

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМА № 2

Оқдарё туман

«01» август 2022 йил

“JASUR TO MORQA” МЧЖ кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади, ўзининг Устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директори М.Ураков номидан, бир томондан ва Оқдарё туман ҳокимлиги кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг устав асосида (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ш.Қудратов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Сотувчи”, “Буюртмачи”га қуйидаги товарларни етказиб беришни ўз зиммасига олади. “Буюртмачи” ушбу товарларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Т/Р	Совғалар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Тахминий нархи	Суммаси
1	Стол тениси	дона	1	2 300 000	2 300 000
2	Бокс шлеми	дона	27	110 000	2 970 000
3	Бокс кўлкопи	жуфт	27	110 000	2 970 000
<b>ЖАМИ</b>		<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>8 240 000</b>

1.2. Товарларнинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Сотувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Сотувчи"дан "товарларни" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Сотувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "товарлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "товарлар" ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "товарлар" шунга ўхшаш "товарлар" билан алмаштирилишини;

- "Товарлар"нинг камчиликлари бепул бартафак этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Сотувчи"дан талаб қилиш.

#### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари.

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "товарлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.2. «Товарлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, газначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 10 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

#### 2.3. «Сотувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Етказиб бериладиган "товарлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "товарлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Сотувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Газначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "товарлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "товарлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда етказиш;

2.4.3. Агар "товарлар"ни кўрсатиш жараёнида "сотувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин тузатиб бериш.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС сиз **8 240 000** (Саккиз миллион икки юз қирқ минг) сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган "товарлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Шартноманинг умумий суммаси **8 240 000 (Саккиз миллион икки юз қирқ минг)** сум деб белгиланди, товарлар (хизматлар) учун олдиндан тулов миқдори 30%ни ташкил қилади.

3.3. Етказиб бериладиган "товарлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Товарлар"ни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "товарлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда етказилган "товарлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "товарлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "товарлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказилган "товарлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "товарлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Етказилган "товарлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан ҳисоб фактура бўйича қабул қилинади. Ҳисоб фактурада кўрсатилган "товарлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "товарлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "сотувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "товарлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "сотувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 2 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. "Товарлар" сифати, миқдори "сотувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "сотувчи" "товарлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 3 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар етказилган "товарлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "товарлар" қийматининг 3 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Товарлар"ни етказиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Сотувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "товарлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "сотувчи" "Буюртмачи"га "Товарлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Товарлар етказиш кечиктирилган ёки тўлиқ еказилган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси "Товар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Товарлар" етказиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. "Товарлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- 7.2 Шартномани тарафларнинг узро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 7.3 Мазкур **8 240 000 (Саккиз миллион икки юз қирқ минг)** сумлик №2-сонли шартнома 2022 йил «01» августда 2 нусхада тузилган булиб, 2022 йил «01» августдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 8.4. Мазкур шартнома Оқдарё туман Ҳазначилик бўлими томонидан руйхатдан утказилгандан сўнг ҳақиқий кучга қиради.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Сотувчи»

“JASUR TO MORQA” МЧЖ  
Манзил: Оқдарё туман Янгиравот1 МФЙ  
Х/В: 2020 8000 2055 1143 2001  
Банк: "Халқ банк" Оқдарё филиали  
ИНН: 309433499  
МФО:00728

### « Бюроғмачи »

Оқдарё туман ҳокимлиги  
Манзил: Лойиш ш А.Темур кучаси  
ШХВ: 305022860182037109601018001  
Банк: Марказий банк ХККМ  
ИНН:201801230  
МФО:00014

Рахбар:

  
М.Уралов  


Рахбар:


  
Ш.Кудратов  


Ҳуқуқшунос

 Р.Умаров

Лицензия (диплом) № берилган санаси: А №000056 08.06.2009 й.

Ҳуқуқшунос

 Ф.Сахадинов

Лицензия (диплом) № берилган санаси: QK 008245 29.06.2009 й.

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ  
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги  
маълумотлар базасини шакллантириш ва  
юритиш тартиби тўғрисидаги  
низомига 6-илова

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIҚ ҚЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга  
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида  
ГУВОҲНОМА

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:  
Полное наименование:

"JASUR TO MORQA" MAS'ULIYATI  
CHEKLANGAN JAMIYAT

Қисқача номи:  
Краткое наименование:

"JASUR TO MORQA" MCHJ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга куйидаги  
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

309433499

СТИР берилган сана:  
Дата присвоения ИНН:

Рўйхатга олинган ДСИ:  
Зарегистрирован в ГНИ:

Оқдарё тумани

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти  
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт  
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:  
Дата распечатки удостоверения:

01.08.2022 18:29:51